Kuch – bilim va tafakkurda

Ma'rifat

МАЪРИФАТ • ХАЛҚ ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

1931 йилдан чиқа бошлаган | 1999 йил 28 июль, чоршанба | Баҳоси сотувда эркин нархда | № 61 (7154)

Da`vat

Жорий йилда ва 2000 йилда республиканинг ҳар бир тумани ва шаҳари замонавий талабларга жавоб берадиган янги турдаги ўқув юртлари билан таъминланиши учун 180 та янги касб-ҳунар коллежи ва 15 та академик лицейни қуриб фойдаланишга топшириш лозим.

Ислом КАРИМОВ

Ibrat

Жиззах вилояти касаба уюшмалари Кенгаши томонидан «Аёллар йили» муносабати билан вилоят таълим тизимида меҳнат қилаётган 120 нафар аёллар учун дам олиш йўлланмаси ажратилди. Дам олувчиларнинг Тошкентдаги «Бўстон» сиҳатгоҳига келиб-кетиш харажатлари ҳам ҳомийлар ҳисобидан қопланадиган бўлди.

ҚЎШ ТАРАДДУД

Jarayon

Академик лицей дегани нима? У кимларни тайёрлайди? Мазкур лицейлар вилоят марказларидан узоқ ҳудудларда очиладими? Ёки қишлоқ мактабларининг битирувчилари академик лицейда ўқиш учун вилоят марказига қатнайдими?..

Шу каби саволлар бугун 9-синфни битирган ҳар бир йигит-қизни, уларнинг ота-оналарини ўйлантириши табиийдир. Зеро, бу йилги 9-синф битирувчиларининг бир қисми ўз ихтиёри билан ўрта махсус (академик лицей) ҳамда касб-ҳунар (касб-ҳунар коллежи) таълимини танласа, қолган қисми таълим олишни 10-11-синфларда давом эттиради. Ушбу жараённинг жойлардаги илк таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, бу йил 9-синфни битирган ёшларнинг айримлари шу кунгача аниқ бир хулосага келолмаганлиги боис, жонажон мактаби билан хайрлашиш истагида эмас. Бу эса, биздан мактаб битирувчиларига, қолаверса уларнинг ота-оналарига мамлакатимиз таълим тизимида муҳим ўрин олаётган академик лицейлар ҳамда касб-ҳунар коллежларининг моҳиятини янаям чуқурроқ тушунтиришимиз даркорлигини тақозо этмоқда. Зеро, 9-синфни тамомлаган ҳар бир битирувчи ўзига муайян касбни онгли ва асосли равишда танламас экан, янги ташкил этилаётган лицей, коллежлар аҳамияти сезилмайди.

Бу йил Тошкент вилоятида илк бор ташкил этилаётган Янгийўл шаҳар академик лицейи билан танишар эканмиз, бу ердаги қабул жараёни ҳам юқорида қайд этилган муаммонинг мавжудлигини кўрсатиб турибди. Мазкур даргоҳда бугун қизғин кечаётган қурилиш ва реконструкция ишлари билан бир қаторда 1999-2000 ўқув йилига қабул ҳайъати учун ҳам шу ернинг ўзида алоҳида жой ҳозирланиб, ҳайъат ўз ишини бошлаб юборган. Қабул ҳайъати масъул котиби, физика-математика фанлари номзоди Обид Қорабоевнинг маълумот беришича, шу кунга қадар академик лицейга жами 90 нафар абитуриентнинг ҳужжати қабул қилинган. Тошкент Давлат техника университети ҳамкорлигида таъсис этилаётган ушбу лицейнинг аниқ фанлар (физика-математика) йўналиши бўйича 100 ўрин ажратилганига қарамасдан, бу йўналишга ҳозиргача 23 нафар, табиий фанлар (кимё, биология, география) йўналишига бўлинган 100 ўринга эса атиги 4 нафар талабгор ҳужжат топширган. Аммо ижтимоий-гуманитар фанларга (она тили, адабиёт, тарих, хорижий тиллар) ажратилган 50 ўринга 63 нафар ўқувчининг ҳужжати қабул қилинган. Бу нимани кўрсатмоқда? Янгийўллик ўқувчиларнинг аниқ ва табиий фанларга қизиқиши сустми? Ёки талабгорлар ҳалиям вақт бор дея иккиланиб юришибдими? Ана шу саволлар билан мазкур академик лицей директори, техника фанлари номзоди Хуршида Раҳмонбердиевага мурожаат қилдик.

— Лицейимиз ўз фаолиятини бу йил сентябрда бошлайди, — дейди Хуршида опа. – Даргоҳимиз янги ташкил этилаётганлиги боис бундан кўпчилик ота-оналар, битирувчилар бехабардир. Шунинг учун ҳам ўқишга қабул қилиш муддати 15 августгача эканлигини эслатиб ўтмоқчиман. Билим юртимизга вилоят мактабларидан танлов асосида энг иқтидорли, билимга чанқоқ ва маънавий-касбий йўналишини аниқлаб олган ўқувчилар қабул қилинади. Уларга чуқурлаштирилган, касбий йўналтирилган билимларни энг тажрибали ўқитувчилар, жумладан, 3 нафар фан номзоди, «Ўзбекистон халқ ўқитувчиси, республикада хизмат кўрсатган ўқитувчи» унвони соҳиблари, 20 нафардан зиёдроқ олий тоифали ўқитувчилар беришади. Улар ўз навбатида Тошкент Давлат техника университети профессор-ўқитувчиларидан ташкил топган махсус ҳайъатнинг танлови негизида ишга қабул қилинган. Ҳозирги кунда ўқитувчиларимизнинг аксарияти Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университетида қайта тайёргарликдан ўтиб, малака оширишмоқда.

Маҳаллий ҳокимият вилоят ЎМКҲТ бошқармаси билан келишган ҳолда, Янгийўл шаҳрининг келажакда мутахассис кадрларга бўлган эҳтиёжини инобатга олиб, Тошкент Давлат техника университети билан ўзаро ҳамкорлик шартномаси тузилди. Сабаби, шаҳримизда «Биокимё», «Металлопластмасс», ғишт, таъмирлаш-механика заводлари, Янгийўл ёғ-мой комбинати, қандолатчилик, мебель фабрикаларининг мавжудлиги фарзандларимизни бугуннинг ўзида муайян йўналишда касб эгаллашга тайёрлашимиз кераклигини кўрсатмоқда.

(Давоми 2-бетда)

JUMLADA JAHON

• Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 26 июль куни Японияннинг Франциядаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Коичиро Мацуурани қабул қилди.

• Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Корхоналар банкротлиги ва санацияси механизмини такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармони матбуотда эълон қилинди.

• Саудия Арабистонида Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли», «Ўзбекистон: бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли» номли йирик фундаментал асарлари ва «Оллоҳ қалбимизда, юрагимизда» деб номланган суҳбати жамланган китоби араб тилида нашр этилди.

• Непалда содир бўлган сув тошқини ва кўчки оқибатида 97 киши ҳалок бўлди.

• Арманистон ва Озарбойжон Президентларининг Женевадаги учрашуви натижаларидан расмий Боку мамнун эканлигини Озарбойжон ташқи ишлар вазири Тофиқ Зулфиқоров маълум қилди.

• 57 ёшли француз аёли Николь Фонтэн Европа парламентининг Страсбургда бўлиб ўтган биринчи сессиясида уч номзод орасидан Европа парламентининг раиси этиб сайланди.

• Лахор шаҳрида Покистон жангариларининг Кашмирдан чиқариб юборилишига қарши мухолифатчи «Жамоатчи ислом» партияси томонидан уюштирилган намойиш бўлиб ўтди.

АЖДОДЛАРИГА ЭРГАШАДИ ЭЛ

Yozgi maktab

Тошкент вилоятининг Паркент туманида XI Халқаро Аэрокосмик мактаби (ХАКМ) бу йилги мавсумий фаолиятини бошлади. Ўзбекистон мустақиллигининг 8 йиллигига, «Коинот» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг 30 йиллигига ва ХАКМнинг 10 йиллигига бағишланган анжуман ҳамда мактаб фаолиятининг очилиш маросимини халқ таълими вазири Ж.Ғ.Йўлдошев кириш сўзи билан бошлаб берди. Ўзбекистон, Россия, Тожикистон ва Қозоғистондан ташриф буюрган 40 дан зиёд иқтидорли ўқувчилар 10 кун давомида лекциялар, лаборатория ва амалий машғулотлар билан банд бўладилар. Машғулотларни эса, таниқли космонавтлар, аэроконструкторлар, республикамиз ҳамда чет эл йирик марказларининг мутахассислари олиб боради.

ХАКМ — асосан юқори синф ўқувчилари, «Коинот» бирлашмаси ва бошқа корхона, ташкилотлар олимларининг ҳамда талаба ва ўқитувчиларнинг муддатли ижодий жамоаси бўлиб, мактаб ўқувчиларини муҳандислик, аэрокосмик ва компьютер соҳаларидаги бошланғич билимлар, кўникмалар билан таништиради.

Мактабнинг очилиш маросимида қатнашган ўзбек космонавти Солижон Шариповдан ушбу муассаса фаолияти хусусида сўз сўрадик:

— Аввало бу мактаб талантли ўқувчи-ёшлар иқтидорини рўёбга чиқариш мақсадида ташкил этилган. Турли миллат болаларини уларнинг интилишлари ва қобилиятлари бу ерга етаклаб келган. Бизнинг бурчимиз — коинот илмига, сиру синоатларига бўлган қизиқишларни ривожлантириш, ҳар бирига ҳам амалий, ҳам назарий кўмак беришдан иборат. Вазифаларимизнинг асосий мазмуни мамлакатда космик билимлар соҳиби бўлган ёшларни, қолаверса, космонавтларнинг янги авлодини вояга етказишдир.

Дарҳақиқат, бунга асос бор. Дунёга донғи кетган, самога сирли термулган Мирзо Улуғбекларнинг авлодлари коинот узра ҳам дунё билан тенглашса, не ажаб.

Фахриддин КАРИМОВ

ЖАМҒАРМАНИНГ ФАОЛЛИГИ

E'tibor

Маълумки, ҳозирги кунда мамлакатимизда кўплаб халқаро, республика ва маҳаллий жамғармалар фаолият кўрсатмоқда. «Маънавият ва маърифат», «Тараққиёт», «Олтин мерос», «Амир Темур», «Нуроний», «Маҳалла»... Бу мисолларни узоқ давом эттириш мумкин.

Ташкил этилганига эндигина бир ярим йилдан ортиқроқ вақт ўтган «Устоз» Республика жамғармаси ҳақида батафсилроқ маълумот олиш мақсадида жамғарма ижрочи директори, тарих фанлари номзоди Абдужаббор Абдувоҳидов билан суҳбатлашдик.

— Абдужаббор ака, дастлаб жамғарманинг фаолият йўналишлари, унинг мақсадлари ҳақида тўхталсангиз.

— Жамғармамиз 1997 йил декабрь ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонига кўра ташкил этилган бўлиб, унинг асосий мақсади – ривожланган демократик давлатларнинг ижобий таълим тажрибасини ўзлаштириш, чет элда тажриба орттиришни ташкил этиш ва янги мутахассисларнинг таълим муассасаларимизда фаолият кўрсатиши, профессор-ўқитувчилар орасидан юқори малакали педагоглар тайёрлашни таъминлашдан иборат.

«Устоз» малака ошириш ва янги имкониятларни ривожлантириш мақсадида чет эл таълим марказларига юбориш учун ўқитувчилар ва педагоглар орасида кўриклар ўтказади, жамғарма мукофотларини таъсис этади. Халқаро таълим лойиҳа ва дастурларида қатнашади. Узлуксиз таълим тизимини ахборот билан таъминлайди, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни амалга ошириш жараёнини қўллаб-қувватлаш мақсадида юқори малакали чет эл мутахассисларини жалб қилади.

— Жамғарма эришган ютуқлар...

— Яна бир неча кундан сўнг АҚШда малака ошириб, мультипликаторлик даражасига эришган 54 нафар педагогларимиз қайтиб келади. Бу грант совриндорлари миллий таълимимизни мукаммал билган ҳолда замонавий жаҳон технологияси сирларини ҳам ўрганадилар. Шунингдек, улар бу соҳада тўплаган тажрибаларини ўз ҳамкасблари билан ўртоқлашадилар.

Компьютер ўқитиш дастурлари ёрдамида ахборот технологияси, компьютер техникаси, масофали ўқитиш, интернет тармоғи кабилар бўйича ҳафтасига 32 нафардан зиёд ўқитувчилар, педагоглар ва бошқа компьютерга қизиқувчилар ўқитилмоқда.

(Давоми 2-бетда)

Ўқитувчи ёғи дафтарига

ЯНГИ ДОРИ ЯРАТИЛДИ

Россиялик академик Тамара Воробьева таркибида симоб бирикмалари бўлган янги «Ватурид» деб номланган дори яратди. Маълумотларга қараганда, мазкур дори билан ҳар хил ўсимталар ва шишларни, ревматизм, полиартрит, астма, сил ҳатто СПИДни ҳам қисман даволаш мумкин.

КУТИЛМАГАН НАТИЖА

Америкалик фалакиётшунос олимлар инфрақизил телескоп ёрдамида Юпитер сайёрасини кузатиб, кутилмаган натижага эришдилар. Маълум бўлишича, мазкур сайёранинг кутбларида товуш тезлигидан бир неча баробар юқори тезликда кучли бўрон тинимсиз эсиб турар экан.

МУВАФФАҚИЯТЛИ ЯКУНЛАНДИ

Японидаги Киото университетининг хирургия профессори Коити Танако бошчилигида жарроҳлар гуруҳи йигирма беш соат давомида бир йўла уч нафар беморнинг жигарини қайта ўтказиш операциясини олиб борди ва муваффақиятли якунладилар. Дарвоқе, жигарни қайта ўтказиш операцияси илк бор 1995 йилда Португалияда амалга оширилган, лекин жаҳон тиббиёти тарихида бирваракайига бир неча беморда ҳали қўлланилмаган эди.

ЭНГ БУЮК САЙЁҲ

Германияда нашр этиладиган журналлардан бири , бугунгача тўпланган маълумотларга асосланиб, дунё тарихидаги энг буюк кашфиётчи - сайёҳ Ибн Баттута экан, деган хулосага келди. Машҳур сайёҳ томонидан битилган саёҳат таассуротларининг кўплаб тилларга таржима қилинганлиги ва уларнинг тарихий қиймати ҳам Ибн Баттута номини юқори поғонага кўтариб турибди.

БИЛИМЛИ ҚАДАМИНИ БИЛИБ БОСАДИ

Test — Mustaqillik mevasi

Ўзбек бир-бири билан сўрашганда саломатлиги билан кайфиятини сўрайди. Соғлиқ инсон ҳаётида муҳим ўрин тутиши маълум. Аҳамияти жиҳатидан кайфият ҳам саломатликдан асло кам эмас — у жўшқин фаолиятга асос бўлади.

Олий ўқув юртларида таҳсилни давом эттиришни ихтиёр этганларнинг бугунги кайфиятини кўриб, менинг ҳам кўнглим тоғ бўлиб кетди. Бунинг бир сабаби, кўпчилик таъкидлаётганидек, бу йил абитуриентлар сони аввалги йиллардагидан сезиларли равишда кўпайган. Ўқишга интилувчанларнинг ошаётганлиги боисини бу гал абитуриентларнинг ўзларидан сўраб билишни маъқул топдик:

Мунавваржон УМАРОВ, фарғоналик, ТошДУнинг журналистика факультетига кирмоқчи:

— Ўтган йили Умиджон деган бир ҳамқишлоғимиз ўз кучи билан Тошкентдаги юридик институтига ўқишга кирди. Биласиз, ҳуқуқшунослик соҳасига ўқишга кириш барчанинг диққатини ўзига доимо жалб қилиб келади. Умиджон ўқишга киргач, нафақат менда, барча ҳамқишлоқларимизда тестга, пулсиз ўқишга киришга ишонч янада мустаҳкамланди. Бошқа болалар ҳам Фарғонада, Тошкентда ўқишяпти. Ўзим ўтган йили киролмагандим. Бу йил тайёрланиб, яна келдим. Умидим катта.

Жасур НУРЖОНОВ, Хоразм вилояти, Шовот туманидан, иқтисодиёт университетига ҳужжат топширган:

— Сўнгги уч-тўрт йил ичида ўтиш даврининг маълум қийинчиликлари туфайли қишлоғимиздан ўқишга борувчилар камайган эди. Бу йил одамларнинг иқтисодий аҳволи яна тикланиб, анча яхши бўлиб қолди. Бултур бизнинг қишлоғимиздан уч бола олий ўқув юртларига ҳужжат топширган бўлса, бу йил уларнинг сони ўн биттага етди. Жумладан, мен иқтисодиётни ўрганиш мақсадида Тошкентга келдим.

Умуман олганда, тест яхши бўлди. Илгари одамларда пулсиз ўқиб бўлмайди, деган тушунча бор эди. Давр бу тушунчани ислоҳ қилди. Пулсиз ҳам ўқиш мумкин экан. Ҳоҳлаганлар пул тўлаб ўқишлари ҳам мумкин. Ана, улар учун контракт усули ҳам бор.

Сарвар ҚОСИМОВ, Қашқадарё вилояти, Китоб туманидан, ТДПУнинг ЧҲТ ва жисмоний тарбия факультетида ўқимоқчи:

— Мактабимизда чақириққача ҳарбий тайёргарлик ўқитувчиси йўқ. Шунинг учун, шу факультетда ўқишни ният қилиб келдим. Қолаверса, ўқиганга нима етсин. Мана, қишлоғимизда кўпчилик ўқимаганлар ишсиз. Ёки у, ёки бу ишлар, масалан, мардикорчилик қилишади. Хуллас, мавсумий ишлар, бирда иш бор, бирда йўқ. Ўқиб, маълум бир касб эгаси бўлса, яхши эмасми?!

Ҳамза ТЎРАЕВ, Самарқанд вилоятидан, тўқимачилик ва енгил саноат институти абитуриенти:

— Қишлоғимизда, Каттақўрғон туманидаги Каттаминг қишлоғида пахта заводи очилганига анча бўлди. Мутахассислар камлиги боис корхонанинг ривожланиши суст кетмоқда. Яхши ният билан ўқишга келдим. Пахтани дастлабки қайта ишлаш технологияси инженери бўлмоқчиман. Худо хоҳласа, ўқишга кириб кетсам, яхши бўлар эди.

Абитуриентлар билан суҳбат қуриб қайтаётиб, ўйлайман — кимдир бозорда куймаланиб юрибди, кимдир далада ишлаяпти, кимдир идорага - ишхонасига шошилади. Ҳамма ўз иши, юмуши билан банд, тирикчилик. Абитуриент эса ўқимоқда.

Ёшлик, орзулар, жўшқинлик, эзгу ниятлар... Бугуннинг абитуриенти мақсад қўя олиши билан фарқланади. Ҳаммасининг ўз аниқ мақсади, ўқишга интилишининг сабаби бор. Бири-бирига ўхшамайди. Аммо барчасига хос умумий жиҳат бор — келажакка ишонч, онгли интилиш. Бу самимий ҳаракатлар ўз мевасини беришига шубҳа йўқ.

Хусан НИШОНОВ

ЖАМҒАРМАНИНГ ФАОЛЛИГИ

(Боши 1-бетда)

Шу кунларда жамғармамиз Очиқ жамият институти (Сорос фонди) билан ҳамкорликда «Ёзги Университет – 1999» курсини ўтказишга тайёргарлик кўрмоқда.

Абдужаббор Абдувоҳидовнинг сўнгги маълумоти бизнинг эътиборимизни тортди ва биз тадбирнинг очилиш маросимида иштирок этдик. Маросимда «Устоз» Республика жамғармаси бошқаруви аъзолари, хорижий мамлакатлардан келган мутахассислар, Очиқ жамият институти вакиллари, шунингдек курс тингловчилари иштирок этдилар. Ундан кўзланган мақсад, ўқитиш услублари, унинг ўзига хос жиҳатлари, курс тингловчилари учун яратилган имкониятлар, шароитлар ҳақида батафсил гапирилди.

Бевосита курс ҳақида тўхталадиган бўлсак, «Ёзги Университет – 1999» философия, социология (илмий тадқиқотлар, услубиёт назарияси ва таҳлили) ҳамда ҳуқуқшунослик йўналишлари бўйича ўтказилиб, бундан кўзланган асосий мақсад – қўрсатилган йўналишлар бўйича мураббийлар тайёрлаш, тингловчиларни янги назария ва тамойиллар, услубиятлар, чет элларнинг таълим бериш борасидаги тажрибалари билан таништиришдан иборат.

Ёзги Университет доирасида тингловчилар чет эллик малакали мутахассисларнинг лекцияларини тинглаш, юқорида кўрсатиб ўтилган фанларнинг ўта муҳим муаммоларига бағишланган баҳс-мунозараларда иштирок этиш, хорижий таълим ва илмий изланиш марказлари вакиллари билан илмий алоқа ўрнатиш имконига эга бўладилар.

Ёзги Университетда 90 нафар тингловчини ўқитиш мўлжалланган бўлиб, уларнинг йўл харажатлари, турар-жой таъминоти, ўқув манбалари ва шу каби барча ҳаражатлар Очиқ жамият институти – Узбекистон (75 %) ва «Устоз» Республика жамғармаси (25 %) томонидан тўланади.

Бу тадбир Узбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясининг бевосита раҳбарлигида ва унинг кўмагида 6 ой давомида тайёрланди. Уч йўналишнинг барча дастури, уларнинг ҳам назарияси, ҳам амалиёти республикамиздаги шу соҳаларнинг етук мутахассислари, «Устоз» Республика жамғармаси, Очиқ жамият институти – Узбекистон ва Давлат ва жамият қурилиш академияси мутахассислари иштирокида, шунингдек Интернет орқали олинган Сорос Фонди мутахассисларининг фикрлари ҳисобга олинган ҳолда ишлаб чиқилди.

Хулоса қиладиган бўлсак, «Устоз» Республика жамғармаси Ватанимиз равнақи, келажаги тайёрланадиган мутахассис кадрларнинг билим ва малакасига боғлиқлигини чуқур ҳис қилган ҳолда фаолият кўрсатмоқда.

Ботиржон ҒОФУРОВ,
жамоатчи мухбиримиз

Yangicha ish usuli

ЗАМОНАВИЙ ДАРСЛИК ҚАНДАЙ ЯРАТИЛАДИ?

Мактаб дарсликларининг замон талабларига мос равишда яратилишига бўлган талаб ва ҳар томонлама эътибор таълим тизими мазмунини тубдан ислоҳ қилишга, шунингдек, давлат таълим стандартлари асосида замон талабига мос дарсликлар яратиш ва бу ишда турли хил изланишлар олиб борилишига кенг имкон берди.

Очиғи, илгари дарсликлар яратиш, муаллифлар гуруҳини танлаш эски тажрибага асосланган ҳолда олиб борилар эди. Шу билан бирга бизда дарсликлар яратиш бўйича илмий пойдеворга асосланган маълум бир мезон, айтарлик, йўқ эди.

Қувонарлиси, Халқ таълими вазирлигининг ташаббуси билан Британия Кенгаши ҳамкорликда хорижий тилларни ўқитиш бўйича янги дасрсликлар яратишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Айтиш жоизки, бу борада амалга оширилган айрим ишларни кўпчилик мамнуният билан эътироф этмоқда.

Мен ҳам муаллифлардан бири сифатида дарслик яратиш бўйича ўтказилган маълум бир тадбирларни кўриб, хурсанд бўлдим ва бошқа мактаб дарсликларини яратишда ана шундай тажрибалардан фойдаланилса, замон талабига мос, сифатли дарсликлар яратишда муҳим қадам бўлар эди, деган ниятда ўз кўрган-билганларим ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман.

Энг эътиборли томони шундаки, биринчидан, Халқ таълими вазирлиги ва Британия Кенгаши томонидан янги дарсликлар яратиш учун муаллифлар танлови эълон қилинди. Танловдан ўтиш учун маълум бир тест синовларидан, суҳбатлардан ўтишга тўғри келди. Энг қизиғи шундаки, вилоятлар бўйича танлов мусобақаси яхши эълон қилинмаганлиги боисми ёки бошқа сабаб туфайлими, ўзбек мактаблари учун дарслик ёзишга танланган муаллифларнинг аксарияти ўзбек тилини билмайдиганлар бўлиб чиқди. Бундан Британия Кенгаши иштирокчилари ҳам таажжубга тушдилар...

Бизни, яъни муаллифлар гуруҳини «ТАСИС» марказида 6 ҳафта мобайнида ўқитишди. У ерда Англиядан келган мутахассис Даяна Любельска семинарни олиб борди. – Ўқиш давомида биз нафақат дарслик ёзиш сирларини, балки компьютерда ишлашни ҳам ўргандик. Даяна юртига кетгач, биз электрон почта орқали у билан боғланиб керакли бўлган саволларимизни берадиган ва маслаҳат оладиган бўлдик.

Бизнинг ўқишимиз «Warmup» дан бошланар эди. «Warm» дегани илиқ маънони билдиради. Гуруҳда бир-биримизни яхши ўрганиб олиш учун ва илиқ муносабат, шароит бўлиши учун Даяна биз билан 10 минут давомида ҳар хил ўйинларни ташкил этар эди.

Масалан, дарслик қандай бўлиши керак? Янги яратилаётган дасрлик аввалгиларидан нимаси билан фарқ қилиши керак? Нима қилса дарслик ўқитувчи учун ҳам, ўқувчи, ота-она учун ҳам мақбул бўлади? Бунинг учун биз ишни қуйидаги гуруҳ ва ташкилотлар фикрини ўрганишдан бошладик. Ўқувчилар, ота-оналар, ўқитувчилар, ЎзПФИТИ, малака ошириш институтлари, педагогика университети, Халқ таълими вазирлиги, Олий таълим вазирлиги, Тест маркази ва ниҳоят маслаҳатчилар (Британия Кенгаши) эди.

Биз гуруҳларга бўлиниб, юқорида санаб ўтилган ташкилотларнинг ҳар бирига алоҳида саволномалар (анкета) тузмдик. Саволномалар тайёр бўлгач, мактабларга бордик, ўқитувчи ва ўқувчилар, ота-оналар билан савол-жавоб ўтказдик.

Англиядан келган ўқитувчимиз бизга жуда кўп, чет элда чиққан дарсликларни олиб келди, биз уларни қизиқиш билан кўриб чиқдик. Дарслик яратиш учун авваламбор китобнинг мундарижаси жуда катта аҳамият касб этди. Гуруҳларга бўлиниб юқорида айтиб ўтилган дарсликларнинг мундарижаси, инглизча айтсак, «Map q ul Book» ни муҳокама қилдик.

Семинар давомида бизга олмониялик рассом Бернхард Овчарек дарслик яратишда китобдаги мавзуларга оид расмлар аҳамияти ҳақида маъруза қилди. Дарслик яратиш жараёнида муаллиф ва рассом ҳамкорликда иш олиб борса, дарслик жуда юқори савияда чиқишини айтиб ўтди.

Семинарнинг сўнгги ҳафтасида биз Даяна раҳбарлигида гуруҳларга бўлиниб, «Уй ҳайвонлари» мавзусига оид 6 та экспериментал дарс туздик. Семинар тугагач, гуруҳимизнинг ҳар бир иштирокчисига Британия Кенгашии томонидан «Сертификат» берилди.

Хулоса қилиб айтганда, биз Даяна ва Овчарекдан ҳозирги замон талабига жавоб берадиган дарсликлар қандай бўлиши кераклигини ва дарслик ёзиш сирларини ўргандик. Ўйлаймизки, гуруҳимиз яқин орада дарслик ёзишни бошлайди ва келаётган ўқув йилида янги дарсликларимиз билан ўқувчи ва ўқитувчиларимизни хурсанд қиламиз, деган умиддамиз.

Дурдона ҚОДИРОВА,
ЎзПФИТИнинг хорижий тиллар бўлимининг катта илмий ходими

ҚЎШ ТАРАДДУД

(Боши 1-бетда)

Шунингдек, академик лицейимиз нафақат Янгийўл шаҳри учун, балки вилоят миқёсидаги таълим муассасаси эканлигини алоҳида таъкидламоқчиман. Маълумки, Тошкент вилояти йириқ-йирик саноат, ишлаб чиқариш корхоналарига эга. Шунинг учун ҳам келажакда ўғил-қизларини аниқ ва табиий фанлар бўйича ОЎЮларида ўқитишни орзу қилган ҳар бир ота-онага фарзандининг ҳужжатларини ҳеч иккиланмай бизга топширишини маслаҳат бераман.

— Вилоятдан келган ўқувчилар учун шароитлар қандай?

— Улар учун 300 ўринли ётоқхона, 200 ўринли ошхона мавжуд. Ётоқхонамиз 4 қаватли бўлиб, унинг ҳар бир қаватида ўқувчилар учун дам олиш, даволаниш, ошхона, кутубхона, маърифат ва маънавият хонаси, санитария-гигиеник талабларга жавоб берувчи махсус хоналар, дазмоллаш, ювиниш каби хоналар бор. Ўқувчилар бир хонага 2-3 кишидан жойлаштирилади. Ҳозирги кунда ётоқхонадаги реконструкция ишлари якунланай деб қолди.

— Ўқув биносида эса ишлар қизғин, — сўзимизга қўшилади 163-ПМК бошлиғи Абдукарим Азимбоев. – Шу ойнинг бошигача қурилиш-монтаж ишлари учун ажратилган 260 миллион сўм маблағнинг 142 миллиони ўзлаштирилди. Июль ойининг натижалари кейинроқ чиқарилади. Августнинг ярмигача жами 118 миллион сўмлик иш бажарилади. Фоиз ҳисобида айтсак, июль ойининг дастлабки хулосаларини қўшганда мазкур объектда 72 фоиз иш бажарилган.

Тошкент вилояти академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари қурилиш бўйича дирекциянинг бош муҳандиси Абдуваҳоб Алимовнинг таъкидлашича, ушбу 750 ўринли лицейнинг реконструкция ҳамда таъмирлаш ишларида бош пудратчи «Нарт сервис» ХИЧТФ жамоаси, ҳамда «Демо», «Ю. Фаст», «Жавоҳир» каби хусусий фирмалар, «Тошмевасабзавот» акциядорлик жамиятига қарашли 8-МПМК қурувчилари қатнашмоқдалар. Улар 1,5 сменада жадал суръатда ишлаб, август ойида мазкур объектни тўлиқ фойдаланишга топшириш ниятида.

Нурлан УСМОНОВ,
«Маърифат» мухбири.

Суратларда: (1-бетда) лицейнинг бугунги ҳаёти.

Суратларни В. Васюта олган.

O'rta-maxsus ta'lim

БЎЛҒУСИ ФИЛЬМЛАР ИЖОДКОРЛАРИ

Кино - тараққиёт мўжизаси. Аммо 2–3 соат давомида кишиларга маънавий лаззат улашадиган фильмлар ортида ўнлаб мутахассисларнинг заҳмати бор. Наби Ғаниев номидаги Тошкент кинотехникуми бир неча йилдирки ана шундай касб эгаларини тайёрлайди. Техникумда кино асбоб - ускуналари ва видеотехника ишлатиш, томошага оид тадбирларни овоз техникаси билан таъминлаш, рўзғор радиоэлектрон техникасига хизмат кўрсатиш ва созлаш, иқтисодиёт ва ҳисобчилик каби мутахассислар тайёрланяпти. Таълим рус ва ўзбек тилларида олиб борилмоқда.

Бу ердаги 600 нафар талабага 53 нафар малакали ўқитувчи ва ходимлар касб сирларини ўргатишмоқда. Техникумнинг ижодкор ўқитувчилари техникумни коллежга айлантириш учун янги ўқув режалари ва дастурларни тайёрлаб қўйишди.

– Билимгоҳимизда компьютер ва радиотехника курслари ташкил этганмиз. Шунингдек, ташкилотларнинг киноаппаратларини созлаб бериш йўли билан ҳам яхшигинаداромад топиб, ундан ўқитувчи ва талабаларимизни ижтимоий ҳимоялашда фойдаланяпмиз, - дейди биз билан мулоқотда кинотехникум директори Ҳожимурод Ҳожиев.

Кинотехникумни тамомлаган ёшлар тузилган шартномага мувофиқ Ўзбекистон Давлат телерадиокомпанияси ва «Ўзбеккино» Давлат акционерлик компанияларида ўз мутахассисликлари бўйича ишлаяптилар.

Н.АСЛОН

Суратларда: кинотехникум ҳаётидан лавҳалар

ТАШАББУС

БОР ЖОЙДА...

«Таълим тўғрисида»ги Қонун «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва Ўзбекистон Республикасида ногиронларни реабилитация қилиш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг 433-сон қарорини ижро этиш мақсадида кейинги йилларда республикамиздаги айрим махсус таълим муассасаларида болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш, реабилитация қилиш услубларини ўрганиш бўйича диққатга молик қатор ишлар олиб борилмоқда. Жумладан, Хоразм вилояти Хива шаҳридаги 121-сон кўзи ожиз болалар мактаб-интернати 1954 йил ташкил топган бўлиб, 45 йиллик иш фаолиятига эга. Кўзи ожиз болаларга таълим-тарбия бериш, касб-ҳунарга ўргатиш, ижтимоий реабилитация қилиш ишларида бир қатор ютуқларга эришган. Ўқув йили якунида Хива шаҳар 121-сон кўзи ожиз болалар мактаб интернатида «Кўзи ожиз болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлаш ва таълим тарбия жараёнини янги услубда такомиллаштириш» мавзусида республика миқёсида ўтказилган амалий кенгаш бунинг яққол намунасидир. Унинг мақсади ушбу мактаб-интернат иш тажрибасини ўрганиб чиқиб уни оммалаштириш, ўзаро тажриба алмашишни ташкил қилиш эди. Кенгаш ишида республика махсус муассасаларидан қарийб 40 мутахассис, методист, мактаб-интернат раҳбарлари, ўқитувчи амалиётчилар қатнашди. Кун тартибида асосий эътибор янги педагогик талаблар асосида ташкил этилган дарсларга қаратилди. Айниқса, Ўзбекистон тарихи фани ўқитувчиси Шарипова Ражаббибининг 1 соатлик дарсини кузатишда ўқитувчининг иш маҳорати, санъати, ижодкорлиги ёрқин кўзга ташланди. Дарс мавзуси: ХХ аснинг 40-йилларида санъат ва адабиётдаги ўзгаришлар. Дарс давр адабиётшунослари, уларнинг фаолияти билан таништиришдан бошланади. Ўқитувчи адабиёт, санъат ҳақида суҳбат ўтказиб, ҳар бир боланинг фикрларига алоҳида эътибор қаратди. 1980 йиллар шоир, ёзувчилар ижоди, Президентимиз И.Каримов асарлари устида кўп фикр алмашилди. Ўқувчилар ўзаро мустақил савол-жавоблар олиб бориб, ўз фикрларини баён этдилар. Ўзбек маърифатпарварларидан бири А.Авлонийнинг тарбия тўғрисидаги фикр тавсиялари, қимматли маслаҳатлари ўқувчилар онгига сингдирилди. Дарс давомида ўқитувчи аудиокассеталар, Брайл усулидаги янги педагогик технология, бўрттирилган хариталар билан бирга ишлаш, рейтинг усулида ўқувчилар билимини баҳолашга эътибор берди. Аудиокассеталарни эшитиш ёрдамида кўзи ожиз ўқувчилар ўтмиш ва ҳозирги замон тарихига, шунингдек, февраль воқеаларига ўз муносабатларини билдирдилар.

Дарсда ўқувчилар ўз шахсий фикрларини билдиришга, ўзаро фикр алмашишга эришиши, махсус кўргазмалардан фойдаланиш, савол-жавоблар натижаси ўлароқ ўқувчилар ўз яшаш жойи, Ватан, шаҳар тарихи билан жуда яқин танишиш, кенг доирада эркин фикрлаш қобилиятига эга бўлаётганлиги қувончлидир.

Умуман, ўқитувчи иш тажрибасини мактабда ўрганиб, умумлаштириб вилоят миқёсида оммалаштиришни тавсия этиш ўринли бўларди. Март ойида бўлиб ўтган Республика олимпиадасида 2 ўқувчи математика ва она тили фанидан биринчи ва иккинчи ўринни олишга сазовор бўлган. Мактаб интернат педагогик ходимларини кўпчилиги ўз ишига фидойилиги, ишчан ва талабчанлиги билан ажралиб туриши уларнинг дарс бериш услубида намоён бўлди. М.Абдуллаев, З.Авазова, У.Умиров, Х.Матчонов, Т.Мадраҳимов, Р.Шарипова, Ж.Искандаровалар фидойи меҳнатлари эвазига муваффақиятга эришмоқда. Мактаб-интернат раҳбари П.Отажоновнинг ташкилотчи, ташаббускор ва ижодкорлиги, таълим-тарбияни давр талабига мос ташкил қилганлиги ўзаро тажриба алмашишда яхши натижа бераяпти. Директорнинг ўқув тарбия ишини назорат қилиш бўйича олиб борган ишлари, ишлаб чиқилган тадбирлар натижасида кейинги 5 йил мобойнида мактаб-интернатнинг моддий базаси мустаҳкамланди.

Вилоят ва чет эл инвестицияларидан унумли фойдаланиб, мактаб-интернатни иссиқлик билан таъминлаш, ўқувчиларни ижтимоий турмуш тарзини яхшилаш, моддий қўллаш ва спорт комплексини қуриш бўйича лойиҳа тайёрланиб, маблағ ажратилди. Халқаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, кўзи ожиз болаларни ўқув тарбия ишларини такомиллаштириш, янги педагогик технологияларни жараёнга киритиш, фанларни ўқитишда Брайл усулидаги ёзув машинкалари, компьютер техникаси, видео, аудио кассеталар билан ишлаш ва кўзи ожиз болаларни теварак-атрофдаги муҳитда эркин ҳаракат қилишларига ўргатиш бўйича махсус коррекцион машғулотларни ўтказишга имконият яратилган. Бу ишларга ёрдам беришда «Оперейшн Мерси» ташкилотининг ходими Лукас Энквистнинг хизматлари эътиборга лойиқ.

Хулоса қилиб айтганда, мактаб-интернат ҳаётига таълим ислоҳотлари моҳиятининг сингдирилиши кенгаш қатнашчилари эътиборини тортди. Республика таълим маркази ходимлари семинарда кўрилган иш тажрибаларини тўплам қилиб, нашр этишни режалаштирди.

Р.ШОМАҲМУДОВА
Ф.МУЗАФФАРОВА

ЙЎҚ ЖОЙДА...

Шўрчи туманидаги 68-махсус мактаб-интернат хусусида аввал ҳам анча-мунча эшитганимиз бор. Рости, қулоғимизга чалинган «мишмишлар» ҳам унчалик ижобий эмас. Лўнда қилиб айтганда, «махсус мактаб-интернат ёрдаму назоратга муҳтож» қабилидаги гап-сўзлар эди.

Яқинда, аниқроғи, июнь ойининг ўрталарида худди ана шу махсус мактаб-интернатга етиб келдик. Мактаб ҳовлиси сувсизликдан «қақраб-қақшаб» ётибди. Бир пайтлар не-не орзу-умидлар билан экилган «яшил девор»лар ҳам, дов-дарахтлар ҳам саргайиб, сув сўраб туришибди. Ҳовли бурчагидаги «Водопровод бочкаси»дан атрофга сув ёмғир бўлиб сочилаяпти. Бироқ ана шу сувни дарахтлар остига бурадиган одам йўқ... Ҳовли сатҳи бу яқин атрофда супурги кўрмаган. Озодалик масаласи чорночор бир ҳолатда...

Махсус мактаб директори Қилич ака Ҳамроев роппа-роса 21 йилки бу масканда ўқитувчи, директор ўринбосари, 2 йилдан буён эса, директор вазифасида ишлаяптилар. Афсуски, "директорбува" бизга "Таълим тўғрисида"ги Қонун ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" бўйича таълим масканининг тадбир ва режаларини кўрсата олмадилар. Маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Бозор Қодировни ва бош ҳисобчи Холбой Норбўтаевларни «Иш юритиш ва ҳисоб-китоб журналлари» билан биргаликда чақиртирдилар.

Ikki xil manzara

— Ўзларингизни қизиқтирган ҳамма рақамларни ана шу кишилардан олаверасизлар – деди у.

Сўраб-суриштирдик. Махсус мактаб-интернатда «Тиббий жиҳатдан нуқсонлари бор» деб топилган 206 нафар ўқувчи таълим-тарбия оладилар, ўқув йили давомида шу ерда яшайдилар. Улар учун кетадиган барча сарф-харажатлар давлатимиз хазинаси ҳисобидан қопланади.

Айтишларича, тарбияланувчилар орасида ижтимоий ҳимояга муҳтож оила фарзандлари ва яна 10 нафарга яқин боқувчисидан бутунлай маҳрум бўлган болалар ҳам бор экан. Ҳуллас, махсус мактабда 22 та синфда турли миллатга мансуб болалар таълим-тарбия олишади. Уларга 61 нафар ўқитувчи ва тарбиячилар 100 фоизли устама маош билан илму-одоб ўргатадилар.

— Таъминотимиз яхши эмас, – дейди бош ҳисобчи Холбой Норбўтаев биз билан суҳбатлашар экан. – **Жорий йилнинг 1 январидан 10 майгача болаларимизга бир грамм ҳам шакар бера олганимиз йўқ. «Шакар бераяпмиз» деб қайд этилган ойларда ҳам ўзига яраша...**

Ростини айтсак, тарбияланувчиларимиз кийим-кечакдан қийналишаяпти. Энг охирги марта бултурдан олдинги йил, яъни 1997 йилнинг октябрь ойида 500 минг сўм миқдорида чойшаб, сочиқ, оёқ кийим ва кийим-кечаклар олганмиз. Шундан буён ололмаймиз, мутасадди идоралар пул ўтказишмайди...

Директор бош ҳисобчисининг айтганларини гап-сўзсиз маъқуллади. Махсус мактабда 191 ўқувчи ётоқхонада яшайди. 15 нафар ўқувчини эса ота-оналари эрта билан олиб келиб, кечқурун олиб кетар эмиш. Қиш-қировли кунларда бу иш қандай амалга оширилади, билмадим.

— Таътил мавсумида болаларимизнинг аксарияти уйларига, яқинларникига кетишади, – дейишди мезбонлар. **— Ҳозир шу ерда қолган 60 нафар ўқувчиларимиз учун мактабимизнинг ўзида оромгоҳ ташкил этганмиз...**

Ошхонага бурилиб, «ошпаз хола»лар билан суҳбатлашдик. Тушлик 15 нафар бола учун тайёрланаётган экан. Ҳайрон бўлиб сўрадик:

— Тушлик 60 нафар болага эмас, нега 15 нафар болага тайёрланяпти? Қолган 45 нафар бола қаерда тушлик қилишади?

Масалага «ошпаз хола»лар қолиб оромгоҳ бошлиғи, маънавият ишлари бўйича ўринбосар Бозор ака Қодиров ойдинлик киритишга ҳаракат қилди:

— Гап бундай. Биз оромгоҳимизда 60 нафар ўқувчига овқат бериб турган эдик. Куни кеча кечқурун болалар кетиб қолишибди. Бизда шундай. Болалар «бориб-келиб» туришади. Ишонингизлар, сарф-харажатларда тўғри ҳисоб-китоб юритамиз...

Оромгоҳ раҳбарининг изоҳларидан бир нарса ажратиб ололмадик. «Худо инсофни ўзларингга берсин», — дея овқат тўғрисидаги гап-сўзларга нуқта қўйдик. Бироқ дилимизни хира қилган бир гапни айтмасликни сира-сира иложи йўққи, махсус ошхона учун «эстетика» ва «нафосат» деган тушунчалар мутлақо ёт. Бир томонда «синиқ» столлар уюми, бир томонда қачонлардан буён моғорлаб ётган суяклар...

Ётоқхонага бурилдик... Хоналар яп-яланғоч тўрт деворгдан иборат. Кроватлар устидаги чойшабларнинг рангига қараб бўлмайди.

— Ўқувчилар кийим-кечакларини қаерга осишади? Улар ортиқча буюм ва нарсаларини қаерга қўйишади? — сўрадик Бозор акадан.

— Шароитимиз бироз оғирроқ деб айтдик-ку! Ўқувчилар кийим-кечакларини ёстиқлари остига, ортиқча нарсаларини эса кроватларининг тагида сақлашади.

«Маънавият ва ўйинлар хонаси»га (номланиши қизиқ!) кирдик. Хона безатилмаган. 4—5 та алмисоқдан қолган суратли кўргазма осиб қўйилган халос. Бир неча эски китобдан бўлак ҳеч вақо йўқ.

Юртбошимиз Ислом Каримов қайта ва қайта таъкидлаётганларидек, «Болаларимиз онгида бўшлиқ қолмаслиги керак!». Афсуски, устозлару раҳбарларимиз онгида бўшлиқ бўлса-чи? Раҳбарлар кундалик ҳаётдан ортда қолсалар-чи?...

— Ишларимизни яхшилаймиз – дейди директор анча хижолат тортиб. **–Ҳомий қидираяпмиз, топилмаяпти-да. Ҳомий бўлганда озми-кўпми ёрдам берарди...**

Қизиқ гап. Ахир, ҳомийни кўчама-кўча юриб қидиришмайди-ку.

Аксинча, ишбилармон, тадбиркор, саховатли инсонлар билан ва яна «қўллари узунроқ» идора ва ташкилотларнинг жамоа аъзолари билан ўзаро тил топишиб, қалбларига йўл топилади. Қолаверса, энг аввало ҳар бир ёрдамга муҳтож, вақтинча молиявий жиҳатдан қийналиб қолган жамоа биринчи навбатда ички имкониятларни излайди, қўшимча маблағ топишга уринади.

Қаранг: махсус мактаб- интернатда ЗИЛ – 131, ГАЗ – 53, «НИССА» русумли кичик автобус, Т—28 маркали трактор каби техника воситалари бор. Мана сизга ички, таптайёр имконият. Марҳамат, техника воситалари ўзингизники, уларни тузатинг, қонуний шартномалар тузинг, ишлатинг, маблағ топинг. Ҳокимият билан келишиб ер олинг. Техника воситаларию ишчи кучингизни ишлатиб ҳосил кўтаринг, пул топинг...

«Излаган имконият топади», — дейди доно халқимиз. Шундай эмасми? Худди шундай! Шўрчининг 68 – махсус мактаб-интернатидаги нохуш манзараларга ҳам барҳам бериш мумкин. Бунинг учун фақат изланиш, фидойилик, ҳамжиҳатлик ва яна кучли назорат керак!

Абдували ОБИДДИН,
«Маърифат»нинг махсус мухбири

Jurnallarning yangi sonlarida

«ТАЪЛИМ ТАРАҚҚИЁТИ» САБОҚЛАРИ

Мактаб раҳбари ҳар томонлама билимли, шу билан бирга талабчан бўлиши керак. Агар раҳбар ибрат кўрсатиб ишламаса, Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»дан келиб чиқадиган вазифаларни бажариш йўлида фидойилик қилмаса, унинг амалга ошираётган ишларининг самараси қўнгилдагидай бўлмайди. Талабчан ва ишбилармон бўлиш учун эса раҳбар ҳаммадан кўп ўқиши, хусусан, «Таълим тараққиёти» журнали (Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирлигининг Ахборотномаси)да берилаётган мақола ҳамда тавсиялардан таҳлилий хулосалар чиқариб бориши зарур.

Айтиш жоизки, ушбу нашрнинг бу йилги 2-сони мундарижаси билан танишган ҳар бир халқ таълими ходими ҳали кўп нарсани билиш лозимлигига амин бўлади. Унда «Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессиясидаги «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» номли маърузасини ўрта умумтаълим мактаблари ва халқ таълими ходимларининг малака ошириш тизимида ўрганиш бўйича намунали мавзуий режа ва дастур», шу билан бирга «Умумий ўрта таълим муассасаси (мактаби)нинг мувақкат намунавий Устави», «Ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ва психологик-педагогик ташхис маркази тўғрисида Низом» сингари муҳим ҳужжатлар эълон қилинган. Уларни ўрганиш жараёнидаёқ шуурингизга янги фикр, янги мулоҳазалар келаверади. Шу аснода ўзингизда ишлашга, изланишга нисбатан мойиллик, иштиёқ пайдо бўла бошлайди. Чунончи, «Таълим тараққиёти» журнали заҳматкашларининг асл мақсади ҳам халқ таълими ходимларида ана шундай иштиёқни ҳосил қилишдир. Демак, журнал саҳифаларининг ҳар бир сатри педагогларга қанот бахш этаяпти, деб баралла айтиш мумкин.

Ундан ташқари, журналнинг 43-бетидан бошланган «Мактабда жорий ўқув йилига якун ясаш ва янги ўқув йилига тайёргарликни амалга ошириш масалалари» сарлавҳали тавсия билан танишар экансиз, «Янги ўқув йилига тайёргарликни нимадан бошлаш керак?» саволига дуч келасиз. Шак-шубҳасиз, «ўқув йилига тайёргарлик» тушунчасининг ниҳоятда кенг кўламли эканлигини пайқайсиз.

Тавсияга илова қилинган «Таълим муассасасининг янги 1999-2000 ўқув йилига тайёргарлиги тўғрисида қабул қилиш АКТИ» намунавий ҳужжатида ўқув йили тайёргарлигига қўйиладиган талаб ва мезонлар (20 дан ортиқ бандда) акс этган. Шунингдек, Ахборотномада «Педагогик атамаларнинг изоҳли луғати» ҳамда халқаро меъёрий ҳужжат — «Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенция» берилганки, улар ҳам педагоглар учун услубий манба бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Хуллас, журналнинг янги сонини ўқиган раҳбар ёки муаллим педагоглик фаолиятини яна бир бор таҳлил қилиб чиқади ва ундан ўзига хос сабоқлар олади.

Қ. МАТҚУРБОНОВ

Tadbir

АДИБ БИЛАН УЧРАШУВ

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтида Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ ёзувчиси Тўлепберген Қайипбергенов таваллудининг 70 йиллигига бағишланиб, «Қайипбергенов кунлари» ўтказилди. Атоқли адиб билан учрашув кечасини институт ректори, Ўзбекистон Фанлар Академиясининг мухбир-аъзоси, фалсафа фанлари доктори, профессор Ж. Бозорбоев кириш нутқи билан очди.

Шундан сўнг институтнинг ўзбек-қозоқ филологияси факультети декани, филология фанлари доктори, профессор Қ. Қурамбоев «Т. Қайипбергенов туркий халқлар адабиётининг йирик намояндаси» деган мавзуда қизиқарли маъруза қилди.

Учрашувда юбиляр адиб Т. Қайипбергенов ўз ижод «сирлари», ёзувчи ва замон, тарбия ва маънавият каби мавзуларда кўп киррали нутқ сўзлади, ўқитувчи ва талабалар билан мулоқотда бўлди.

Учрашувнинг бадиий қисмида талабалар ўз маҳоратларини намойиш қилишди. Т. Қайипбергенов кунларининг иккинчи қисми ёзувчи ижодига бағишланган илмий-назарий анжумандан иборат бўлди.

Анжуманда филология фанлари доктори, профессор Қ. Камолов «Т. Қайипбергенов ижодиётининг ўзига хос хусусиятлари», филология фанлари номзоди М. Бекбергенова "Т.Қайипбергенов прозаси", ўзбек филологияси кафедраси мудири, филология фанлари номзоди К. Ташанов «Халқига муҳаббати йўқ юраксиз жон», филология фанлари номзоди А. Пирниёзова «Т. Қайипбергенов асарларида миллий ўзига хосликнинг ифодаланиши» каби мавзуларда мазмунли маърузалар қилишди.

Анжуман иштирокчиларига мароқли ва серзавқ концерт дастури намойиш этилди.

Ғойиб ЁҚУБОВ,
ўз мухбиримиз

Yangilik

КИМЁДА ГРАФИКЛИ ТЕСТЛАРДАН

Миллий дастур бакалавр шахсияти моделини ишлаб чиқиш асоси бўлиб хизмат қилади. Бакалавр шахсиятини маромига етказиб тайёрлашнинг асосий мақсади профессор-ўқитувчилар таркибининг педагогик вазифасини амалга оширишга йўналтиришдан иборат. Олий ўқув юрти, ўрта махсус билим юртлари жамоаларининг диагностик шаклланган мезонларини акс эттирувчи бакалавр шахсияти қуйидагиларни ўз ичига олади:

Тараққиёт ва цивилизация-нинг ривожланиш даражасига мос келувчи бўлажак мутахассисга қўйиладиган талабларни қамраб олган модел;

моделда ўз ифодасини топган бакалавр шахсияти аспектлари тўғридан-тўғри ёки билвосита йўл орқали аниқланиши мумкинлиги;

аниқланган натижалар маълум бир шкалага туширилиши, яъни тегишлича баҳоланиши мумкинлиги.

Мазкур вазифаларни бажариш учун профессор-ўқитувчилар ўрта мактаб ва лицей ўқувчиларидан абитуриентлар танлашда битта мезон (мактаб дастури)гагина қараб эмас, балки иккинчи мезон - ўқувчининг қобилият даражаси ва унинг йўналишини ҳам ҳисобга олишлари мақсадга мувофиқ деб ўйлаймиз. Диагностик гуруҳчалар ташкил этиш, талабаларда ижодий фикр уйғотиш йўлларини қидириб топиш, устозларнинг педагогик маҳоратини кун сайин ошира бориш ва бакалаврнинг вақти-вақти билан аттестациядан ўтказилиб турилишини ташкил қилиш ҳам фойдадан холи бўлмайди. Талабаларнинг сифатли билим олишини таъминлаш учун рисоладагидек муҳитни яратиб қўйиш керак.

Институтимизда кимёгарлар гуруҳини ташкил этдик. Ижодий изланишлар, илмий - амалий ва услубий ишларни янада чуқурлаштириш, иқтидорли талабалар билан ишлаш мақсадида «Умид» жамғармаси билан алоқаларимизни янада мустаҳкамладик. Истиқболли режалар тузиш мазкур гуруҳ зиммасига юклатилди.

Кимёгар талабаларнинг билим савиясини янада юқори поғонага кўтариш, фан асосларини чуқурроқ ўргатиш ва энг муҳими — ижодий фикрлашга йўл очиш мақсадида баъзи чет мамлакатларда амалиётга киритилаётган усуллардан фойдаланяпмиз. Шу мақсадда фаннинг бошланғич қисми — умумий ва анорганик кимёда графикли тестлардан фойдаланишни йўлга қўя бошладик. Бу усулда талабалар нафақат кимёвий реакциялар хусусиятларини, балки чизма, чизма геометрия, физика ва математика асосларини ҳам пухта билишлари талаб қилинар экан. Мактаб, лицей, гимназия ёки коллежларда ҳам бу усул амалий натижалар берадиган кўринади. Кимёнинг кинетика, катализ, атом ва молекула тузилиши, электролиз, элементлар кимёси ва бошқа қатор бўлимлардан берилган мисоллар талабалар томонидан қизиқиш билан кутиб олинди. Мазкур усулдан кимёвий олимпиада тестларида, танлов ва кўрикларда фойдаланиш кутилган натижаларга олиб келиши шубҳасиз. Лекин бундай тест масалаларининг оддийларидан фарқи шундаки, ўша бериладиган жавоблар чизма равишда бўлиб, улар бир-бирига ўхшаш, тўғри жавобни топиш учун соатлаб бош қотириш, исботлаш керак бўлади. Яъни, фанни билмаган ўқувчи учун таваккалчилик қилиш унга фойда ўрнига зарар келтиради. Бунда балл тўплаш имконияти анча камаяди. Таклиф қилинаётган график усули Бухоро Давлат университетида ўтказилган «Рейтинг усули ва уни такомиллаштириш усуллари» Республика услубий, илмий-амалий конференциясида чуқур таҳлил қилинди ва кўплаб тингловчиларда қизиқиш уйғотди. Тўғри, бу усул тажрибаларда синаб кўрилиши, амалда тасдиқланиши керак. Аминманки, боғча ёки мактабда компьютер ўрганган ёшлар, чизма ва бошқа фанлар қатори кимёга ҳавас қўйган бўлажак талабага таклиф қилинаётган усулни мамнуният билан қабул қилади. Бериладиган масалаларни қизиқиб ечадилар. Ижодий изланишга интиладилар.

Қудрат АҲМЕРОВ,
Тошкент кимё-технология институти умумий ва аналитик кимё кафедраси мудири, кимё фанлари доктори, профессор

ЎЗБЕКИСТОН МАЪРИФАТПАРВАРЛАР ЖАМИЯТИНИНГ

Н И З О М И

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1.1. Ўзбекистон Маърифатпарварлар жамияти (бундан кейин «Жамият» деб юритилади) Ўзбекистон Республикасининг миллий истиқлол ғоясини теран англовчи, кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурни бажаришда ва умуман, мамлакатда амалга оширилаётган кўламли маънавий-маърифий ислоҳотларда фаол иштирок этувчи, халқ ва миллат эрки ҳамда равнақи йўлида фидойиларча жонбозлик кўрсатган улуғ маърифатпарвар аждодларимизнинг илғор таълимотларини давом эттирмоқни ўз ҳаётининг мазмуни деб билувчи инсонларни ихтиёрий равишда бирлаштирадиган, ўзини-ўзи бошқарадиган, мустақил нодавлат ва нотижорат жамоат ташкилотидир.

1.2. Жамият Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, амалдаги Қонунлар ҳамда ушбу Низомга асосланган ҳолда фаолият юритади.

1.3. Жамият юридик шахс ҳуқуқига эга бўлиб, ўз муҳри ҳамда ташкилот рамзига эга бўлади.

1.4. Жамият қароргоҳи Тошкент шаҳрида жойлашган.

II. ЖАМИЯТНИНГ АСОСИЙ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

2.1. Жамиятнинг асосий мақсади халқимизнинг маърифий маданиятини юксалтириш, ғояга қарши фақат ғоя, фикрга қарши фақат фикр, жаҳолатга қарши фақат маърифат билан бахсга кириша оладиган, миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлаштирган, замонавий дунёқараш ва билимларга эга бўлган, ватанпарвар ва маърифатли инсонларни тарбиялаш ишига кенг жамоатчиликни сафарбар этиш, бу йўналишдаги ишларни тарғиб этиш, маърифат соҳасидаги муаммоларни ҳал этишга кўмаклашишдан иборат.

2.2. Жамиятнинг асосий вазифалари:

— XX аср бошидаги жадид маърифатпарварлигининг асосий ғоялари, таълим тизимини янгилаш йўлида улар тўплаган тажрибалар, жадидларнинг ҳаракат дастуридаги асосий йўналишларни ўрганган ҳолда замонавий маориф ривожи ҳамда халқимизнинг истиқлолга эришуви йўлидаги фаолиятларини давом эттириш, уларнинг ворислари сифатида юксак маърифат ва маданият учун курашиш, миллий истиқлол ғояларини ёш авлод шуурига сингдириш;

— миллат маърифати ва маданиятини миллий заминда тараққий эттириш учун она тили, эркин матбуот, миллий адабиёт, театр ва санъатнинг бошқа турларига жадидлар берган улкан эътиборни ҳисобга олиб, кенг халқ оммаси ўртасида маърифатпарварлик ғояларини ёйиш;

— Маҳмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар қори Абдурашидхонов, Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлонийдек жадидчилик ҳаракати ва маърифатпарварликнинг атоқли намояндаларининг ибратли ҳаётлари, бой ижодлари, фан ва маданият ҳомийси сифатидаги саховатли фаолиятларини ўрганиш, тарғиб этиш;

— бир неча минг йиллик маданиятимиз тарихидаги маърифий ёдгорликлар ва ахлоқ-одобга оид анъаналарни ўрганиш, тадқиқ ва тарғиб этиш, улардаги замонамизга мос келадиган жиҳатлардан маърифий ислоҳотларда фойдаланиш йўлларини излаб топиш;

— юртимизда етишиб чиққан улуғ алломаларимизнинг таълим-тарбия, мактаб, фан, маданият ва санъат ривожига қўшган тарихий ҳиссаларини кенг намойиш этиш;

— дунёвий ва исломий маърифат муносабатларини илмий-таҳлилий асосда ўрганиш ва кенг омма онгига етказиш;

— ягона миллий ғоя – миллий мафкуранинг шаклланиши ва ёш авлод онгида собитлашуви учун энг таъсирли маърифий восита ва йўлларни ишлаб чиқиш;

— кадрлар тайёрлаш бўйича Миллий дастурда белгиланган замонавий таълим моделимизнинг жадал жорий этилишига ҳар тарафлама кўмаклашиш;

— «Куч — адолат, билим ва тафаккурда» ғоясининг моҳиятини кенг халқ оммасига етказиш;

— ёт ғоялар, бегона мафкуравий таҳдидлар, ёш авлоднинг маънавий-маърифий камолотига хавф солувчи турли қарашларга қарши курашда маърифатнинг муносиб ўрнини кўрсатиб бериш;

— жамиятда фаол маърифатпарварлик ҳаракатини юзага келтириш мақсадида матбуот, радио, телевидение орқали изчил маърифий даъват-суҳбатлар олиб бориш;

— таълим-тарбия, маърифат масалаларига кенг жамоатчилик диққатини жалб этиб, кишиларда маърифатпарварлик туйғуларини ошириш, уларда мактаб, маориф тармоқларига ҳомийлик, саховатпешалик фазилатларини кучайтириш;

— маърифий тарбиянинг таркибий қисми сифатида демократик қадриятларга ҳурматни кенг тарғиб қилиш, ҳуқуқий маданият масалаларида чуқур саводхонликни шакллантиришга кўмаклашиш;

— маърифий ишларнинг самарадорлигини ошириш мақсадида «Маҳалла», «Камолот», «Нуроний» ва бошқа жамоат ташкилотлари билан режали ҳамкорликни йўлга қўйиш;

— халқимиз, айниқса, ёшларнинг маърифий савиясини юксалтириш муаммоларига бағишланган илмий, амалий, услубий анжуманлар, давра суҳбатлари ўтказиб туриш;

— «Маънавият» ва бошқа нашриётлар, соҳанинг етакчи мутахассислари билан ҳамкорликда «Маърифий сабоқлар» рукнида туркум рисолалар чоп этишни ташкил этиш.

III. ЖАМИЯТНИНГ ҲУҚУҚЛАРИ

Жамиятнинг ҳуқуқлари қуйидагилардан иборат:

— қонунчиликда белгиланган тартибда жамиятимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ислоҳотларни жадаллаштириш, юзага келган муаммоларни энг мақбул йўсинларда ҳал этиш борасида тегишли давлат органларига таклифлар киритиш;

— Жамият аъзоларини долзарб муаммолар бўйича тадқиқотларга жалб этиш, илмий-тадқиқот лойиҳаларини ишлаб чиқиш мақсадида республика ва хорижий маблағларни олишга кўмаклашиш;

— маърифий маданият соҳасидаги долзарб муаммоларни ҳал этиш йўлларини белгилашда фаол қатнашиш;

— жойларда Жамиятнинг ҳудудий бўлимларини ташкил қилиш;

— маърифий билимларни оммалаштиришда иштирок этиш;

— хорижий илмий марказлар билан ҳамкорлик қилиш;

— ўз номидан битим ва шартномалар тузиш, алоҳида ишларни бажариш учун вақтинчалик илмий-ижодий жамоаларни шакллантириш;

— банк, корхона, ташкилот ва фуқаролардан, шунингдек, хорижий шахслардан қайтариш ва қайтармаслик шартлари билан пул маблағлари ва моддий ёрдамлар олиш;

— Жамиятга тегишли бино, иншоот, асбоб-ускуналар, транспорт воситалари, хом ашё ва бошқа моддий бойликларни сотиш, ижарага бериш, шунингдек, маблағларни бошқа корхона, бўлим ва фуқароларга бериш, вақтинча фойдаланишга ёки қарзга бериб туриш шарти билан, агар амалдаги қонунчиликда бошқа ҳоллар кўзда тутилмаган бўлса, моддий бойликларни баландсан чиқариш;

— ташкилот, корхона ва фуқаролардан, шу жумладан, чет эл фуқаро ва ташкилотларидан бино, ер майдони, иншоот, транспорт воситалари, бошқа мулкларни сотиб олиш, ижарага олиш, совға сифатида ва васият бўйича қабул қилиш;

— Ўзбекистон Республикаси давлат ва жамоат ташкилотлари ва фуқаролари, хорижий ташкилот ва фуқаролари билан Жамиятнинг вазифалари ва мақсадига мувофиқ бўлган шартномалар тузиш ва амалга ошириш;

— банк муассасаларида миллий ва хорижий валютадаги ҳисоб рақамларига эга бўлиш.

IV. ЖАМИЯТГА АЪЗОЛИК

4.1. Жамиятга аъзолик жамоа ва якка тартибда амалга оширилади.

4.2. Жамият Низомини тан олувчи, уни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватловчи, ирқи, жинси, ижтимоий ҳолати, диний ва сиёсий эътиқодларидан қатъий назар, ҳар қандай шахслар жамиятнинг якка тартибдаги аъзолари бўлиши мумкин.

4.3. Жамиятга якка тартибда аъзоликка қабул қилиш аъзо бўлиб кирувчининг шахсий аризасига мувофиқ, Жамиятнинг бўлимлари мажлислари ва Жамият Кенгашида амалга оширилади.

4.4. Жамиятга жамоа тарзида аъзоликка юқори турувчи бўлимлар қабул қиладилар.

4.5. Жамиятга чет эл фуқаролари ҳам аъзо сифатида қабул қилиниши мумкин.

4.6. Жамият аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

— Жамиятнинг раҳбар органларини сайлаш ва уларга сайланиш;

— Жамият томонидан ўтказиладиган тадбирларда қатнашиш, Жамият фаолияти ҳақидаги ҳужжатлар ва ахборот материалларидан фойдаланиш;

— Жамиятнинг қарорларини ишлаб чиқиш, ташкилий ва хўжалик ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритишда қатнашиш;

— ҳар қандай масала юзасдан Жамият кенгашига мурожаат қилиш, зарур маслаҳат, ёрдам, шу жумладан, моддий кўмаклар олиш;

— давлат бошқарув идораларида ўз ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя этишда Жамият кўмагидан фойдаланиш;

— юқори органларга жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир масалалар юзасидан таклифлар киритиш.

4.7. Жамият аъзоларининг мажбуриятлари:

— аъзолик бадалларини ўз вақтида тўлаб бориш;

— Жамият манфаатларини ҳимоя этишда бирдамлик кўрсатиш;

— Жамият юқори органларининг Низомига мувофиқ қабул қиладиган қарорларини бажариш.

4.8. Аъзолик Жамиятдан ихтиёрий равишда чиқиш ёки Жамиятдан ўчириш йўли билан тўхтатилиши мумкин.

4.9. Жамият аъзоси аъзолик сафидан Низомга зид, Жамиятнинг обрўсига номуносиб ҳаракатлари учун ўчирилиши мумкин.

Аъзоларнинг Жамиятга аъзолиги уларнинг тегишли бўлимга берган аризаси бўйича ариза берган вақтдан бошлаб тўхтатилиши мумкин. Уларга аъзоликдан чиққанда ёки ўчирилганда бадаллар тариқасида тўланган маблағ қайтариб берилмайди. Аъзоликдан чиқарилган киши ушбу қарор устидан юқори органга шикоят билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

4.10. Жамиятнинг аъзоси бўлган ташкилотлар аъзоликдан чиқиш тўғрисида ариза бергандан сўнг уч ой муддат ўтганидан кейин чиқиши мумкин. Бу даврда у ўз Низомига мувофиқ вазифаларини бажариши шарт.

Аъзо ташкилот Жамиятдан Низомга зид ҳатти-ҳаракатлари учун ўчирилиши мумкин. Аъзо ташкилотни аъзоликдан чиқариш ҳуқуқи Жамият кенгаши ваколатига киради. Ўчирилган ташкилот қарор устидан Конференцияга шикоят билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

V. ЖАМИЯТНИНГ ТАШКИЛИЙ ТУЗИЛМАСИ

5.1. Жамият ҳудудий белгиларига қараб тузилади ва ўз фаолиятини демократик тамойиллар асосида ташкил этади.

Жамият таркибига Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри бўлимлари киради.

VI. ЖАМИЯТНИНГ РАҲБАР ОРГАНЛАРИ

6.1. Конференция – Жамиятнинг юқори органи ҳисобланади. У Кенгаш томонидан ҳар икки йилда камида бир марта чақирилади. Конференцияни чақириш ва ўтказиш тартиби тўғрисида кечи билан уч ой олдин эълон қилинади. Конференцияга вакиллик миқдори ва вакилларни сайлаш тартибини Кенгаш белгилайди.

6.2. Кенгашнинг қарорига асосан ёки эллик фоиздан ортиқ вилоят ва унга тенглаштирилган бўлимларнинг талабига мувофиқ Конференция муддатидан илгари чақирилиши ҳам мумкин.

6.3. Конференция унга сайланган вакилларнинг камида учдан икки қисми қатнашган тақдирда ваколатли ҳисобланади. Конференция Кенгаш ва Тафтиш комиссиясининг ҳисоботларини эшитади ва муҳокама қилади, уларнинг фаолиятига баҳо беради.

6.4. Жамиятнинг барча даражадаги сайлаб қўйиладиган органлари мажлислари унинг аъзоларининг учдан икки қисми қатнашганда ваколатли ҳисобланади. Қарорлар овоз беришда қатнашган аъзоларнинг ярмидан кўпи овоз берган тақдирда қабул қилинган ҳисобланади.

6.5. Конференция:

— Жамият фаолиятининг дастурий ва устувор йўналишларини белгилайди;

— Жамият Низомини ва Тафтиш комиссияси тўғрисидаги Низомни тасдиқлайди, уларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритади;

— Жамиятнинг кенгаши ва Тафтиш комиссияси аъзоларини сайлайди.

6.6. Жамият кенгаши – конференциялар ўртасидаги даврда Жамиятнинг раҳбар органи ҳисобланади. Унинг мажлиси уч ойда камида бир марта чақирилади.

6.7. Кенгаш:

— Низомда белгиланган вазифалар ва конференция қарорларининг бажарилишини таъминлайди;

— Кенгаш раиси ва унинг ўринбосарларини сайлайди;

— бўлимларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради, уларнинг умумий ҳаракат дастурини амалга оширади;

— Жамият Низомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш бўйича ташаббус кўрсатади;

— Жамият бўлимларининг ҳуқуқ ва манфаатларини Ўзбекистон Республикасининг давлат идоралари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотларда намоён этади;

— мамлакат ҳаётида рўй бераётган ижтимоий жараёнларни таҳлил қилиш асосида жамият фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга оширилишини таъминлайди;

— Жамиятнинг ҳудудий бўлимларини ташкил этиш ва фаолиятини тугатиш тўғрисида қарорлар қабул қилади;

— кенгаш тузилмасини тасдиқлайди, иш режасини, дастурлар ва бюджетни тасдиқлайди ҳамда молиявий ва моддий жамғармаларнинг ташкил этилишини кўриб чиқади;

— Жамият матбуот органларининг асосий тамойилларини белгилайди, уларнинг бош муҳаррирларини тайинлайди ва вазифасидан озод қилади, бошқа оммавий ахборот воситаларини таъсис этишда иштирок этади.

6.8. Тафтиш комиссияси

— икки йил муддатга конференцияда сайланади;

— жамғарма бошқарувининг молиявий ва хўжалик фаолиятини камида бир йилда бир марта тафтиш қилади;

— аъзоларнинг хатлари, таклифлари, аризалари билан раҳбариятнинг қандай шуғулланаётганлигини текширади;

— қилинган ишлар ҳақида конференцияга ҳисобот беради;

— тафтиш комиссияси аъзолари бир вақтнинг ўзида жамият кенгаши аъзоси бўла олмайдилар.

6.9. Тафтиш комиссияси Жамият бўлимларининг тафтиш комиссияларига услубий ёрдам кўрсатади. Тафтиш комиссияси аъзолари жамият Кенгаши мажлисларида маслаҳат овози билан қатнашиш ҳуқуқига эгадирлар.

6.10. Тафтиш комиссияси конференцияга ҳисобот беради. Ўз фаолиятини конференция тасдиқлаган Низом асосида олиб боради. Тафтиш комиссияси раиси комиссия аъзолари орасидан сайланади ва вазифасидан озод этилади.

6.11. Кенгаш раиси Жамият фаолиятига умумий раҳбарликни амалга оширади.

6.12. Раис:

— давлат бошқарув органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа бўлимларда Жамият номидан вакилликни амалга оширади;

— молиявий ҳужжатларни имзолайди, таркибий бўлимлар фаолиятига раҳбарлик қилади, буйруқлар ва фармойишлар чиқаради, уларнинг бажарилишини ташкил қилади;

— Жамиятнинг кундалик фаолиятини таъминлайди, Жамият ишлари ҳақида конференцияга ҳисобот беради.

VII. ЖАМИЯТНИНГ ҲУДУДИЙ БЎЛИМЛАРИ

7. Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоят бўлимларининг (бундан кейин «бўлим» деб юритилади) юқори органи конференция бўлиб, у камида 2 йилда бир марта бўлим кенгаши томонидан чақирилади. Унинг чақирилиши, вакиллик нормаси ва кун тартиби ҳақида бир ой олдин маълум қилинади. Навбатдан ташқари конференция кенгаш томонидан чақирилади.

7.1. Бўлим конференцияси:

— бўлим кенгаши ва тафтиш комиссияси ҳисоботини эшитади, муҳокама қилади;

— бўлимнинг кенгаши, кенгаш раиси ва тафтиш комиссияси аъзоларини сайлайди;

— бўлим фаолиятига доир муҳим дастурлар ва йўналишларни белгилайди.

7.2. Кенгаш аъзолари ва тафтиш комиссияси таркиби конференцияда белгиланади.

7.3. Кенгашлар конференциялар оралиғидаги юқори орган ҳисобланиб, 2 йил муддатга сайланади. Кенгаш мажлислари заруратга қараб, лекин камида уч ойда бир марта ўтказилади.

7.4. Бўлим кенгашлари:

— бўлимнинг юқори органлари қарорларининг бажарилишини ташкил этади;

— бўлим раҳбар ходимлари жадвали тузилмаси, вазифалари, иш тартиби, харажатлар сметасини тасдиқлайди;

— кенгаш раиси ва унинг ўринбосарларини сайлайди ҳамда вазифасидан озод қилади;

— Жамиятга аъзоларни қабул қилади ва аъзоликдан чиқаради.

7.5. Бўлим раиси қуйидаги ваколатларга эга:

— йиғилишлар ўртасидаги даврда бўлим ишларини ташкил этади;

— аъзоларнинг фаолияти соҳасида ва ижтимоий масалаларни ҳал этишда уларнинг қонуний ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилади;

— Жамият фаолиятини такомиллаштиришга доир таклифлар киритади;

— Жамиятнинг йиғилиши ва юқори органлар олдида ҳисоб беради.

7.6. Тугатилган бўлимнинг мол-мулки ва пул маблағлари белгиланган тартибда унинг ҳуқуқий ворисига ёки Жамиятнинг юқори органига ўтказилади.

VIII. ЖАМИЯТНИНГ МОЛ-МУЛКИ ВА МАБЛАҒЛАРИ

8.1. Жамиятнинг мулки бино, иншоот, уй-жой фонди, асбоб-ускуналар, жиҳозлар, транспорт воситалари, пул маблағлари, қимматли қоғозлар ҳамда ушбу Низомда кўзда тутилган фаолиятни моддий жиҳатдан таъминлаш учун зарур бўлган бошқа мол-мулклардан иборат бўлиши мумкин.

8.2. Жамият бюджети муассис ва ҳомийлардан тушган маблағлар, шунингдек, жамиятга тўланадиган аъзолик бадалларидан таркиб топади.

8.3. Жамиятнинг мол-мулки ва пул маблағлари Жамият томонидан ташкилот ва фуқароларга беғараз берилиши, лозим бўлган тақдирда эса моддий ва пул маблағлари Жамият томонидан бир йўла ва вақти-вақти билан бериладиган нафақа, стипендия, мукофотлар, жамият аъзоларини ҳимоя қилиш, рағбатлантириш ва уларга ёрдам тарзида сарфланиши мумкин.

8.4. Жамиятга тегишли бўлимларнинг мол-мулки Жамиятнинг мулки ҳисобланади ва унинг алоҳида бўлим аъзолари ўртасида тақсимланиши маъ н этилади.

8.5. Жамият Кенгаши, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар, вилоят бўлимлари ҳуқуқий шахс ҳисобланади. Улар номлари ёзилган муҳр, штамп ва банкларда ҳисоб рақамларига эга бўладилар.

8.6. Жамият бўлимлари мол-мулкни сотиб олишлари ва улардан фойдаланишлари мумкин, лекин Кенгаш рухсатисиз сотиш, совға қилиш, вақтинчалик ёки доимий муддатга ижарага бериш тақиқланади.

8.7. Жамият тугатилгандан кейин қолган мол-мулк ушбу Низомда кўзда тутилган мақсадларга йўналтирилади.

IX. ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИНИ ТЎХТАТИШ ТАРТИБИ

9.1. Жамият фаолияти конференция ёки суд қарорига кўра тўхтатилиши мумкин.

9.2. Фаолияти тўхтатилган Жамият маблағлари Низомда кўзда тутилган мақсадларга ишлатилади.

Maktabgacha ta'lim

БАРЧАСИ БОЛАЛАР УЧУН

Шайхонтоҳур туманидаги Тошкент шаҳар сув хўжалиги бошқармасига қарашли 484- «Наврўз» болалар боғчаси 280 ўринга мўлжалланган. Маскандаги 6 та миллий ва 6 та рус гуруҳларда 280 жажжи ўғил - қиз тарбияланаётир. Улар орасида иккита илк ёшлилар ва иккита логопед гуруҳлари мавжуд.

Ҳар бир гуруҳнинг ўз йўналиши бор. Илк ёшлиларда сенсорик тарбия, кичик ва ўрта гуруҳда нутқ маданияти, катта гуруҳда математика ва тайёрлов гуруҳида мактабга тайёрлашга оид тадбирлар олиб борилмоқда.

Боғча 42- мактаб билан алоқа ўрнатган. Тайёрлов гуруҳи дилбандлари ўқув йили бошиданоқ мактаб, синфхоналар, компьютер хоналари, кутубхоналар билан яқиндан танишадилар, истаган китобларини олиб ўқий оладилар.

Қувноқлар масканида (1996 йил) Абдулла Қодирий номидаги «Кичкинтойлар кутубхонаси» ташкил этилди. Кутубхонада 3 мингдан зиёд ўзбек, рус, инглиз тилларида китоблар ва 25 ўринли мутолаа хонаси бор. Нурхонадан болалар, ота-оналар ва тарбиячиларга оид бадиий адабиётлар, эртак китоблар, методик қўлланмалар ўрин олган. Ҳар бир китобнинг картотекаси, тартиб рақами бор. Тарбиячи ва ота-оналарга рўйхат орқали китоб берилади. Зиё масканининг нозик дидли китобхонлари мутолаа хонасида китоб билан муомала қилиш йўлларини ўрганадилар, ўқиган асарлари юзасидан мунозара юритадилар. Кутубхонада инглиз тили бурчаги ҳам ташкил этилгани ибратлидир.

Катта гуруҳ тарбияланувчилари ҳафтада уч марта инглиз тили машғулотлари ўтадилар. Тайёрлов гуруҳи ширинтойлари эса инглиз тилида эркин сўзлаша оладилар. Ҳар кунги бажарилган тадбир ота - онага кўрсатиш учун «Ҳаракатдаги папка» («Папка передвижки»)га ёзиб борилади. Ҳозирги вақтда машғулотлар ўрнига ёзги соғломлаштириш тадбирлари амалга оширилаётир. Жойларга саёҳатлар уюштирилмоқда. Жумладан, Республика қўғирчоқ театри , Хотира майдони, Темурийлар тарихи Давлат музейи, Телеминора, ҳайвонот боғи, ботаника боғига саёҳат уюштирилди. Эндиликда болажонлар нима қаерда жойлашгани ҳақида маълум даражада таассуротга эгадирлар. Навбатдаги режа табиат музейи, Темирйўл вокзали музейи, Халқ амалий санъати музейларига экскурсия уюштиришдир.

Ёш ниҳоллар гулшанининг спорт зали юмшоқ ва қаттиқ жиҳозлар билан таъминланган. Спортга оид деворий газеталар мавжуд. Жисмоний тарбия раҳбари Наташа Матвиенко жажжи кичкинтойлар билан йил давомида мунтазам турли хил қизиқарли машғулотлар олиб боради.

Дилбандлар боғчада «Мен севган шаҳар» бурчагидаги альбом орқали Тошкент тарихи, Тошкентнинг ҳозирги кўриниши, Республикамиз вилоятлари ва шаҳарлари билан танишадилар.

— Болани ёшлигиданоқ бирон бир нарса билан машғул қилиш лозим, — дейди боғча услубчиси Альфия Исянова. — Биз мураббийлар бола қалбида ота-онаси, халқи, Ватанига бўлган меҳр ва садоқат туйғусини илк ёшданоқ уйғотмоғимиз лозим. Фарзандларимиз — мустақил давлатимизнинг янги авлоди миллий қадриятларни эъзозловчи, ўз тили, тарихи, ўтмиш меросини яхши билувчи, миллатимиз обрўсини жаҳон миқёсига кўтарувчи инсон бўлиб вояга етиши зарур.

Ҳа, бола бошидан, ниҳол ёшидан, дейди доно халқимиз. Мурғак қалбларга меҳр, мурувват, садоқат уруғларини қанчалик эрта сочиб миллий ғоя ва миллий мафкура руҳида тарбияласак, эзгу орзуларимиз шунчалик барвақт рўёбга чиқиши шубҳасиз.

Дилбар ХЎЖАЕВА

Ҳайрат

Xullas...

СУВ ЎРНИГА... НЕФТЬ

Мексиканинг чекка қишлоқларидан бирида яшовчи Висента Герра қудуқ тозалаётиб, кутилмаган ҳодисага дуч келди. Сув юзасида худди ёғ сингари нимадир ялтираб турарди.

«Наҳотки, бу нефть бўлса!» У кўзларига ишонмай, қичқириб юборди. Чиндан ҳам қудуқдан худди пўртана сингари нефть отилиб чиқа бошлади. Худо бераман деса бераверар экан-да. Қуниқўшнилар Висентаникидан сув ўрнига челаклаб ёқилғи билан қайтишмоқда.

Дарвоқе, Герра яшаётган Банес қасабаси кундан-кунга жаннати маконга айланаяпти. Лимон, апельсинларнинг ҳосилига таърифу тавсиф йўқ.

Балки худонинг назари дегани шудир.

КОНГРЕСС ЎТИБ БЎЛГУНЧА...

Сиктивкарда электрокардиология, яъни юрак касалликларини даволаш бўйича халқаро конгресс чақирилди. Бу анжуман собиқ Иттифоқ тарқаб кетгандан бери Россия ҳудудида илк маротаба ўтказилиши эди.

Шаҳар аҳолиси хурсанд. Уйларда иссиқ сув пайдо бўлди. Ўз навбатида меҳмонхоналарда ҳам. Конгрессга таклиф қилинган олимлар шаҳардаги намунали хизматни кўриб, тасаннолар айтишди.

Йиғин тугаб, ҳамма тарқагач, шаҳар эски ҳолатига қайтди. Иссиқ сув ўчирилди. Шаҳарликлар бундай анжуманлар ҳар куни ўтказилишини худодан тилашмоқда.

ТАЛАБГА ҚАРШИ ТАЛАБ

Нью-Йорк соғлиқни сақлаш хизмати ёввойи ҳайвонларни уйда сақлашни таъқиқлади. «Қора рўйхат»га заҳарли илонлар, ҳашаротлар, айиқ, жирафа, арслон, фил, горилла, ёввойи мушук ва АҚШ ҳайвонот ишқибозлари орасида қадрланадиган сассиққузан ҳам кирган. АҚШда 5,7 миллиондан зиёдроқ йиртқич хонадонларда яшайди.

Агар кит ва тимсоҳларнинг ҳам уйда яшаши таъқиқланса, суғуртаклар бекор қилинса, табиийки, ишқибозлар шундай талабни қўйишади: инсон ҳуқуқлари поймол қилинмасин!

ana shunaqa gaplar...

Самарқанд вилояти Иштихон тумани Бўронхўжа қишлоғидаги «Меърож» фермер хўжалигининг думалоқ муҳри йўқолгани боис **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Sport maydonchasi

ФУТБОЛ

Таниқли футбол мутахассиси Биродар Абдураимов олий табақада қониқарсиз қатнашаётган «Сурхон» (Термиз) жамоасига бош мураббий этиб тайинланди. Унга ёрдамчи бўлган Валерий Леткин ва собиқ бош тренер Акбар Мустафоқулов жамоа тақдири учун биргаликда курашадиган бўлишди.

БАСКЕТБОЛ

Мамлакатимиз терма жамоаси (эркаклар) Осиё чемпионатининг саралаш учрашувларида муваффақиятли қатнашиб, Японияда бўладиган қитъа биринчилигида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди. Яна ғалаба бўлса, 2000 йилда Сиднейда ўтказиладиган олимпиада эшиклари очилади.

КАРАТЭ

Наманганда «Қора белбоғ» каратэ клуби ўз фаолиятини бошлади. Унда 1000 нафардан зиёд ёшлар шуғулланмоқда. Наманган шаҳар ҳокимлиги яқин вақт ичида янги, замонавий услубда бино қуриб беришни режалаштирди.

ШАХМАТ

Ўзбекнинг бугунги шахматчиси Рустам Қосимжонов Тошкентдан жаҳон чемпионатида қатнашиш учун Лас-Вегасга жўнаб кетди. Дастлабки учрашувда францияли Кристиан Бауэрга қарши дона суради. Ёш шахматчимиз миллионлаб юртдошлари бағрига ёруғ юз билан қайтишини тилаб қоламиз.

ТЕННИС

Пойтахтимиздаги Олимпия шон-шуҳрати музейида «Уимблдон» халқаро турниридан ғалаба билан қайтган теннис маликаси Ирода Тўлагановани шарафлаш тадбири бўлиб ўтди. Унда иштирок этган Тошкент шаҳар ҳокими К.Тўлаганов спортчи қизга омад тилаб, ҳовли қуриш учун жой ажратилганлигини билдирди.

Ko'ngil bitiklari

СЎНМА, ЮРАК!

Сўнма юрак, қишинг кетиб
Баҳорларинг келар ҳали.
Сўнма юрак, қонлар ютиб,
Чечакларинг кулар ҳали.

Сўнма юрак, қонинг шароб
Айла, жом тут лабларга.
Тонгги нурдай оқиб кирғил
Зулмат босган қалбларга.

Сўнма юрак, сен олов бўл,
Ёққин хазон дилларни.
Тутун чиқса, сен шамол бўл,
Самога бур йўлларни.

Сўнма юрак, бу оташин
Дилга қайғу соларсан.
Сўнма юрак, сатрларда
Мангу яшаб қоларсан.

Сўнма юрак ва тоқат қил
Кечсангда қон дарёсини.
Садаф бўлгил, майли ёрил,
Йиғиб гавҳар кимёсини.

Дилдора ЗУБАЙТОВА,
Қарши шаҳар F.Гулом номидаги мактаб ўқувчиси

АРМОН

Отажоним, сизни кўрмоқ борми энди,
Кўрмоқ истаб дунё менга тор бўлади.
Қайлардасиз, сизни билмоқ борми энди,
Меҳрингизга ошуфта дил зор бўлади.

Соғинчларга дош беролмас мурғак қалбим,
Кўзларимда шашқатордир ёшим менинг.
Ота, сизсиз орзуларим армон бўлди,
Мудом сизнинг пойингизда бошим менинг.

Ҳаёт шундай довонлардан иборатми,
Қанотлари синган қушдай қайрилдим мен.
Ўн ёшимда шу довонга тўқнашибман,
Ота деган суянчиқдан айрилдим мен.

Кечалари кўзларимга уйқу келмас,
Фиғонимга тўлажакдир ҳар бир оним.
Сизни ўйлаб ҳеч қалбимда тоқат қолмас,
Ҳар дақиқа қадри ўтган отажоним.

Райҳона САИДОВА,
Тайлоқ тумани Нодира номидаги 40-ўрта мактабнинг 9-«Б» синф ўқувчиси

ЁЗ - ЎТМОҚДА СОЗ

«Дангасалар салтанати» деб номланган янги спектаклнинг илк намойиши Сурхондарёда дам олаётган оромгоҳ ёшлари эътиборига ҳавола этилди. Маннон Уйғур номидаги Сурхондарё вилояти драма театри томонидан саҳналаштирилган ушбу спектакл режиссёри Неъмат Пардаев. Бош ролларни Шарофат Турсунова, Абдуназар Худойназаров, Зулфия Боқиевалар ижро этмоқдалар.

* * *

Термиз шаҳридаги «Саловат» болалар оромгоҳида ҳам ёшлар учун талай тадбирлар ўтказилмоқда. «Зумрад ва Қиммат» эртаги асосида тайёрланган муъжизалар майдонида улар тез-тез ўз севимли қаҳрамонлари билан учрашиб туришади, ҳамда ўз хоҳишларига кўра, эртак қаҳрамонларига ёрдам беришлари мумкин.

Фотима ЖУМАЕВА

Ta'lim jonkuyarlari

ЁШЛАР БИЛАН ЁНМА-ЁН

Мактабни тугаллаб болалар етакчиси вазифасига ишга кирган Раҳим Қодиров машҳур профессор, адабиётшунос, тилшунос олим Худойберди Дониёровнинг "Сўз санъати" китобини ўқиб юрар эди. Иттифоқо, Бахмал воҳаси қишлоқлари шевасини ўрганиб юрган Худойберди домла унинг қўлидаги китобни кўриб: "Раҳимжон ука, сўз кўпкарисида тақимлашиб юрайлик" дея дастхат ёзиб берди.

Бугун шу воқеага 38 йил бўлибди. Бу орада қуёш неча бор нур сочди, неча бор сойлардан сувлар тошиб оқди... Энг муҳими, Республикамиз мустақилликка эришди.

... Домланинг дастхати туртки бўлиб, Раҳим Қодиров Самарқанд Давлат университетининг филология факультетига ҳужжат топширди. Уни аъло баҳоларга битириб, Бахмал туманидаги 15-ўрта мактабга тил-адабиёт фани бўйича ўқитувчи бўлиб ишга келди. Бу ерда бутун меҳрини, билимини ёшларга бағишлаб 16 йил ишлади. Юзлаб кўргазмали қуроллар ясади, она тили ва адабиёти хоналарини жиҳозлади, ёш муаллимлар учун услубий қўлланмалар яратди.

1977 йилда туман халқ маорифи бўлими раҳбарияти Раҳим Қодировни жонажон қишлоғи Тагобдаги Файзулла Хўжаев номли 51 - мактабга директор этиб тайинлади. Бу мактабда асосан чорвадорларнинг фарзандлари ўқишар эди. У биринчи кунданоқ қўшимча синф хоналари қуриш, мактаб тажриба участкасини ташкил этиш, ўқув базасини мустаҳкамлаш, таълим-тарбияни талаб даражасига етказишни асосий мақсад қилиб қўйди. Ва ўн йил мактабга раҳбарлик мобайнида бунга эришди ҳам. Ҳашар йўли билан 5 та синфхона қурди, 15 минг туп терак, 100 туп олма, 30 туп ёнғоқ экди. Мактаб ҳар жиҳатдан тумандаги илғор мактаблар билан рақобатлашадиган даражага эришди. 1987 йилда Раҳим домла мактаб раҳбарлигини шогирди Алимардон Тойировга топширди. Мана 12 йилдирки, Алимардон устози изидан бориб, мактабда жуда кўп ижобий ишларни амалга ошириб келмоқда. Мактабга яна 6 та синф хоналари қўшилди, тажриба майдони кенгайтирилди ва яна 5 минг туп терак, 100 туп олма ва бошқа дарахтлар экилди. Ўқувчилар турли олимпиадаларга қатнашиб, ғолиблик даражасига эришмоқда. Мактаб ўзинию ўзи маблағ билан таъминлаш даражасига етди.

Бу ишларнинг барчасида ҳануз мактабни тарк этмай ёшларга тил-адабиётдан сабоқ бериб келаётган, шогирдлардан кўмагини аямаётган Раҳим Қодировнинг ҳиссалари беқиёсдир.

Алибой ЭРГАШЕВ

Ma'rifatsiz kishilar

«ДОМЛА»ЛАР ИСТАР ПОРА, ТАЛАБАЛАР ИЗЛАР ЧОРА

ёки бир неча таъмагир «домлалар»нинг пора билан қўлга олингани хусусида

Ҳар бир ишни ҳам бирор-бир нарса эвазига битириш, яъни чиқарилган ҳожат учун пул ёки совға таъма қилиш борабора кишини яшаётган ҳаётдан бездириб қўйиши турган гап. Чунки борда бор, йўқда не бор деганларидек, бор одам ишини битириб кетаверса-ю, йўқ киши тилини тишлаб қолаверса. Албатта, бу адолатсизлик томон босилган қадам. Зеро, эл орасида айтиладиган «Амалдор пора истар - камбағал чора излар» деган гап ҳам бу иллат авж олган пайтларда пайдо бўлган бўлса ажаб эмас.

Қисқаси, айрим ҳолларда олди-берди қилувчиларнинг ўзаро келишмовчилиги туфайлигина фош бўлиб қоладиган бу кўзга кўринмас иллат — порахўрлик жинояти ҳақида кўп ёзилган. Унинг олдини олиш мақсадида, айниқса олий ўқув юртларига кирувчиларнинг ҳаққоний билимлари тест синови асосида ўтказилаётгани маълум. Лекин шунга қарамай, айрим «ҳурматли устоз»лар пора олишнинг янги-янги усулларини кашф этишмоқдаки, гўёки уларнинг бу «оламшумул» «кашфиётлари»дан бошқалар бехабар қоладигандек. Шоядки, талабалар орасида фақат диплом учун эмас, балки илму амал ва касб-ҳунар учун ўқиётган ёшлар борлиги туфайли бундай домлаларнинг «кашфиёт»лари «оммалашмай» қолаётир.

Баъзилари талабалардан кириш имтиҳонлари пайтида ундирадиган ўлжасидан умиди узилгач, уларни ўқув жараёнида «сувини сиқмоқчи» бўлишади. Масалан, Фарғона вилоятининг Кўқон шаҳридаги Сервиз ва тадбиркорлик коллежи бўлим бошлиғи, 1954 йилда туғилган F.Умарбеков бир ўқувчини қолдирган дарслари учун имтиҳонга киришга рухсат бермайди. Тўғри қилади. Чунки, дарсга қатнашмаган талабани токи дарслар қайта ўқиб-ўрганилмагунча имтиҳонга қўймаслик керак. Бироқ талаба ҳам анойи эмас, нима қилиб бўлмасин... Бўлмаса курсда қолиб кетиши мумкин. Хуллас, домланинг тилини топиш чорасини қидирган талаба унинг дарди пул эканлигини фаҳмлаб қолади. Талабанинг бу таклифини эшитиб, «талабчан домла» қўйдай мулойим бўлиб қолади ва ўз хизмат хонасида шу коллеж ўқувчиси Ш.Абдураҳмоновдан қолдирган дарслари сабабли имтиҳон топширишга рухсат бериш эвазига 10 минг сўм пулни пора сифатида олаётган вақтида қўлга олинади.

Дарвоқе, ҳозирда бу масала билан прокуратура ходимлари шуғулланишмоқда.

Яна бир тоифа домлалар бор эканки, улар айрим талабаларни имтиҳонга, ҳатто давлат имтиҳонига киритмасдан ёки номигагина кириб ўтирса ҳам баҳосини қўйиб беришга интиларкан. Албатта текинга эмас, бу хизмат эвазига «қуруғи»дан «қуртдай» санаб оларкан-да. Шундай «тадбиркор» домлалардан бири Нукус шаҳар педагогика билим юрти ўқитувчиси, 1969 йилда туғилган Б.Бейменшиев шу билим юрти 4-босқич ўқувчиси Б.Кенжабоевдан давлат имтиҳонларидан ўтказиб бериш эвазига ундан 23 минг сўм пулни хизмат хонасида олаётган вақтида ушланди. Бу ҳолат бўйича прократура ходимлари тергов ишларини бошлаб юборишди. Негаки, талабаларни шу йўсин ўқитиш жамият ривожига жиддий хавф туғдиради.

Бухоролик М.Бўронов деган боббў домла ҳам ўзининг баднафси измига кирди-ю, кўзига пулдан бошқа нарса кўринмай қолди. Эл қатори бировдан нари, бировдан бери бўлиб, «Жигули» машинасини ҳайдаб юрган кунларига ҳам ўзи нуқта қўйди. Бухоро шаҳрида ички ишлар ходимлари томонидан тезкор тадбир ўтказилаётган пайтда қаердандир унинг қиғир ишининг ҳиди чиқиб қолди. Шартта бу фикрнинг рост-ёлғонлигини аниқламоқчи бўлган ходимлар ўша вақтдаёқ бу илмий мудирни Г.Раҳматова исмли аёлдан 10 минг сўм пора олаётган пайтда қўлга олишди.

Сўнгра «домла»нинг бошқа қилиқлари ҳам қалқиб чиқа бошлади. У бу ишини аввалдан бошлаган бўлиб, мазкур вилоятдаги ўқитувчилар малакасини ошириш билим юртида иш юритувчи бўлиб ишловчи Г.Раҳматовадан унинг қизи Р.Раҳматовани тиббиёт билим юртига киритиб қўйиш шарти билан 80 минг сўм пора талаб қилиб, унинг катта қисми — 60 минг сўмини 1997 йил сентябрь ойидан 1998 йил май ойигача бўлган даврда ундириб олганлиги аниқланди. Шунингдек, «БК - 1500» русумли кондиционер сўраганида, уни ҳам боласининг ишини битириш учун югуриб юрган она олиб келиб берган экан.

Бироқ бировларни «шамоллатаман» деб ўзи қора терга ботиб кетган она охирги 10 мингни топа олмай қолиб...

Хуллас, қозон тагида қолган 10 минг сўм пул икки томонни ағдартўнтар қилди. Шунингдек, М.Бўроновдан яна далилий ашё сифатида иш хонасидан 260 минг сўм, шахсий автомобилидан эса 71600 сўм ҳам топилган.

Шуҳрат ХУББИМ ТОШ,
ИИВ Матбуот маркази ходими, милиция капитани

Ma'rifat

ТАЪСИС ЭТУВЧИЛАР:
Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош муҳаррир
Ҳалим САИДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жуманазар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ (масъул котиб), Шукур ЖОНБОЕВ, Қурбонбой МАТҚУРБОНОВ, Нўъмонжон РАҲИМЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Йўлдош САИДЖОНОВ, Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Саъдулла ҲАКИМОВ, Ўткир ҲОШИМОВ

Рақам ва далиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар муаллифлари масъулдирлар. Фойдаланилмаган мақолаларга жавоб қайтарилмайди. «Маърифат»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси,32. ТЕЛЕФОНЛАР: масъул котиб—136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-55-58.

Газетани IBM компьютерида Малоҳат ТОШОВА саҳифалади. Навбатчилар: Ҳулкар ТЎЙМАНОВА, Фахриддин КАРИМОВ

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20. ИНДЕКС: 149, 150. Г-0549. Тиражи 24.564. Г. 1 2 3 4 5 6 Ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2.

«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Босишга топшириш вақти -20.00. Топширилди — 20.00.